

## ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИНИНГ АХЛОҚИЙ-ИРОДАВИЙ ТАРБИЯ МАСАЛАСИДАГИ ПЕДАГОГИК ҚАРАШЛАРИ

Якубова Динора Баходировна

Урганч давлат университети мустақил тадқиқотчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7356892>

**Аннотация.** Ушбу мақоламизда “Авесто” асосида Марказий Осиё халқлари илк аждодларининг тарбиявий қарашлари, антик давр юнон мутафаккирлари ва Шарқ алломаларининг ахлоқий тарбия масаласидаги қарашлари ўрганилган, ҳамда тарбия масаласидаги ёндашувлари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** ахлоқий тарбия, стихияли гоё, мафкуравий таҳдидлар, замонавий жамият, тарбия сифати, педагогик анъана, “гатлар”, шахс руҳияти, жувонмардлик, инсон камолоти.

## ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ВЗГЛЯДЫ ВОСТОЧНЫХ УЧЕНЫХ НА НРАВСТВЕННО-ДОБРОВОЛЬНОЕ ВОСПИТАНИЕ

**Аннотация.** На основе «Авесты» изучены просветительские взгляды первопредков среднеазиатских народов, взгляды древнегреческих мыслителей и ученых Востока на проблему нравственного воспитания, а также их подходы к вопросу воспитания. проанализировано.

**Ключевые слова:** нравственное воспитание, спонтанная идея, идеологические угрозы, современное общество, качество образования, педагогическая традиция, «гаты», менталитет личности, молодость, человеческая зрелость.

## PEDAGOGICAL VIEWS OF EASTERN SCHOLARS ON MORAL-VOLUNTARY EDUCATION

**Abstract.** Based on "Avesta", the educational views of the first ancestors of the Central Asian peoples, the views of ancient Greek thinkers and scholars of the East on the issue of moral education were studied, and their approaches to the issue of education were analyzed.

**Keywords:** moral education, spontaneous idea, ideological threats, modern society, quality of education, pedagogical tradition, "gats", personality mentality, youth, human maturity.

## КИРИШ

Тарбия масаласи инсоният пайдо бўлгандан буён энг долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда. Тадқиқотчилар фикрича, инсоният ҳаётининг ибтидоий даврларида болаларни тарбиялашда стихияли гоёлар пайдо бўлган ва тарбия мазмуни турли даврларда, турли халқ, миллат ва элатларда у ёки бу шаклда бўлишига қарамасдан ибтидоий тўда даврдан инсоният онгли ёки онгсиз равишда ушбу мураккаб ва узлуксиз жараёни амалга ошириб келмоқда. Шу ўринда жамиятда ёш авлодни ахлоқий ва иродали тарбиялаш долзарб муоммо бўлиб келган ва доимо шундай бўлиб қолади. Ҳозирги мафкуравий таҳдидлар кундан кунга кучаяётган айни пайтда ёшларни, айниқса, мактаб ўқувчиларини тарбиялаш муоммоларини ҳал этиш масаласини қийинлаштирмоқда. Чунки, бугунги замонавий жамиятда аксарият болаларнинг иродавий ривожланишда заифлик ва ҳатти-ҳаракатларида салбий ҳарактер хусусиятларнинг намоён бўлиши, ўсиб келаётган ёш авлодни ахлоқий сифатларини тарбиялашни етакчи масала сифатида намоён қилади. Ёшларнинг маълум бир қисми айниқса ўсмирлар томонидан қабул қилинган

идеаллар, меъёр, ҳамда қадриятлар ёш авлодни ахлоқий ва иродали тарбиялашнинг бутун тизимини такомиллаштириш заруриятини юзага келтирмоқда.

## **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТАДАЛОГИЯСИ**

Маҳаллий олимларимиздан **К.Ҳошимов, Ў.Асқарова, Б.Зиёмухаммедова, Ш.Абдуллаева, Ж. Йўлдошевлар** ахлоқ ва ахлоқий тарбиянинг педагогик муоммолари; **Ж.Туленов, Қ.Назаров, Г.Туленовлар** ахлоқ ва ахлоқий қадриятларнинг фалсафий жиҳатларини тизимли равишда тадқиқ қилганлар. **МДҲ тадқиқотчиларидан В.П.Бахтерев, К.Н.Вентtsel, Ф.Каптеров, П.Ф.Лесгафт, Я.А.Коменский, А.С.Макренко, К.Д.Ушинский** ва бошқалар ўсиб келаётган ёш авлодда ахлоқий сифатларни тарбиялашнинг муоммолари ва тарбиянинг долзарб масалалари; **Э.В.Бондаревская, О.С.Богданова, Р.С.Буре, А.М.Виноградова, С.А.Козлова Б.Т.Лихчаев** ва бошқалар шахсни ахлоқий тарбиялаш муоммоларини ўрганган. **Хорижий олимлардан** ахлоқий тарбия муоммосига антик давр мутафаккирларидан **Сукрот, Платон, Аристотел, Фома Аквинскийлар**, янги давр олимларидан **И.Кант, Г.Гегел** ва бошқалар эътиборини қаратганлар. Тадқиқот ишимизда умумлаштириш, қиёсий таҳлил, анализ ва синтез методларидан фойдаланилди.

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Замонавий таълим жараёнида инсонни ўз тақдирини ўзи белгилаш ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзини ривожлантиришга йўналтирилган таълим майдони яратилиши зарурияти мавжудки, бу ўсмирларга келажакда ўзлигини англаш, шунингдек алкоғолизм, гиёҳвандлик каби салбий ижтимоий ҳодисалардан қочиш қобилиятини тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Мамлакат ёшларини маънан ва жисмонан баркамол қилиб тарбиялаш, иқтидори ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларни давлат ва жамиятнинг ривожига кенг жалб этиш, ташаббусларини етарли даражада қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳуқуқий асослар, иқтисодий имкониятлар ва ташкилий механизмларни янада кенгайтиришга хизмат қилади. Республикамизда таълимнинг мазмуни “**Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси**”, Ўзбекистон Республикасининг «**Таълим тўғрисида**»ги, «**Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида**»ги қонунлари, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган ҳужжатлари, хусусан, «**Бола ҳуқуқлари тўғрисида**»ги, «**Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида**»ги конвенциялар, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «**Ёшлар-2030**» стратегияси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларига асосланади. Мамлакатимизда кейинги ўн йилликда таълим ва тарбия жараёнида кенг қўламли, изчил ислоҳатлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.М.Мирзиёев 2021 йилнинг энг муҳим устивор вазифалари ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожатномасида “**Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим**” - деган эдилар. Айни шу мақсадларни амалга оширишда мамлакатимиз президентининг бир қатор фармон ва қарорлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрда қабул қилинган 1059-сон

“Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чорат-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори[1] қабул қилинганлиги амалий ҳаракатларда дастурамал вазифасини ўтайди.

**Жамиятда ахлоқий тарбиянинг вазифалари қуйидагилардан иборат:**

- юксак ахлоқ меъёрларига мос келадиган ахлоқий онгни, яъни, ахлоқий тушунчалар, қарашлар ва баҳоларни шакллантириш;
- ахлоқий туйғуларни шакллантириш: ватанга муҳаббат, инсонпарварлик, жамоавийлик туйғуси, дўстлик, ахлоқий меъёрларнинг бузилишига муросасизлик ҳисси ва ҳ.з;
- ахлоқий фазилатларни, ахлоқий меъёрларга риоя қилиш одатларини, ижтимоий асосли хулқ-атвор кўникмаларини шакллантиририш (меҳнат натижалари ва маънавий ва моддий маданият объектларини ҳурмат қилиш, ота-она ва катталарга ҳурмат, ҳалоллик, ҳаё, виждонлилик ва бошқалар);
- иродавий хусусиятлар ва шахсий хусусиятларини тарбиялаш: жасорат, қатъият, ғалаба қозониш истаги, ўзини тута билиш ва ҳ.з.

Ахлоқ масаласи ва унинг шахсни ривожлантиришдаги роли минг йиллар давомида одамзодни шахснинг ахлоқий сифатларини шакллантирувчи мотивлари бўйича турли нуқтаи назарларни юзага келтирган. Ёшлар тарбиясида ахлоқ-одоб масалалари барча даврларда олимлар, тадқиқотчилар учун долзарб масала бўлиб мазкур масалада биологик ёндашувга таянувчилар ахлоқий сифатларнинг шаклланишини ирсият билан боғлашса, бошқа бир гуруҳ олимлар ёндашувига кўра ахлоқ таълим ва тарбия сифати, маҳсули билан белгиланади. Учинчи ёндашув вакиллари эса ахлоқий фазилатлар интеграциялашган шаклланиш бўлиб, туғма психофизиологик қотишма ҳисобланади, [10]-деган фикрни асосламоқдалар. Олимларнинг фикрича, инсоният ҳаётининг ибтидоий давридаёқ болаларни тарбиялашда стихияли ғоялар пайдо бўлади ва такомиллашиб боради. Марказий Осиё халқларининг ўтмишдаги педагогик қарашлар тарихини ўрганиш, таҳлил қилиш халқимизнинг жаҳон педагогика фани ривожига бебаҳо ҳисса қўшганлигидан далолат беради. Ўтмишдаги педагогик анъаналарига қизиқишнинг ижобий жиҳати шундаки, бу ўз навбатида шахсда ўз-ўзини англашнинг ўсиши ва янги тарихий шароитларда таълимнинг энг самарали шакл ва усулларини қайта тиклашга интилиш билан боғлиқ. Шу ўринда Марказий Осиёда илк педагогик қарашлар Зардуштийликнинг муқаддас манбаси “Авесто” да ўз аксини топган бўлиб, бунда ажодларимизнинг бола тарбиясидаги бой меросини ўрганиш имконияти мавжуд. “Авесто” да ахлоқ ва маънавият масалаларига энг кўп тўхталинган қисми “Ясна” бўлиб, у асосан Зардуштнинг ўзи томонидан яратилган гатлар, яъни қўшиқлардан иборат. Унинг асосий қисми олий худо-Ахурамаздага мурожати шеърий шаклда берилган бўлиб, диндаги эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш, ўлимдан кейинги жазонинг мавжудлиги ҳамда муқаррарлиги каби асосий қоидаларни ўз ичига олади. Ёдгорлик гатларининг асосий мазмунини яхшиликга интилиш, ҳалоллик, жамоада ишлаш, оила ахлоқининг асослари ташкил қилади. Марказий Осиё халқлари ҳаётидаги қадимги даврдаги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий ўзига хос хусусиятлари минтақа педагогикаси ривожига сезиларли таъсир кўрсатган. “Авесто” матнларини таҳлил қилар эканмиз, болаларда ахлоқий сифатларни шакллантириш масаласига етакчи масала сифатида қаралганлиги гувоҳи

бўламиз.«Авесто» да «бола» сўзи 80 дан ортиқ марта келганлиги зардуштийларнинг болаларга алоҳида эътибор қаратилганлигидан далолат беради[9].

Дин таълимотида *“Ахлоқий бўлган нарса гўзал, гўзал бўлган нарса ахлоқийдир”*, дейилади. Бу бирлик ажралган жойда ёлғон, хунуқлик ва бевафолик бошланади. Зеро, гўзалликда намоён бўладиган ахлоқнинг пировард мақсади Ахура Мазда образини ифода этувчи Ҳақиқат, Эзгулик ва Солиҳликнинг ажралмас қисмидир[11]. Инсоният тафаккури тараққиётида илк бора эзгу ният, эзгу сўз ва эзгуликга асосланган амалиёт бирлиги ҳар қандай ижтимоий ривожланишнинг асоси эканлиги тўғрисидаги таълимот илк бор Зардуштийлик таълимотида шакллантирилган эди. **“Авесто”** да баён этилган мазкур фикрлар замирида юксак ахлоқ, комил инсон қиёфасини акс эттирувчи ахлоқий фазилатлар ифода этилган. Бу таълимотда эзгу ният, эзгу сўз ва эзгу амалиётга изчил амал қилибгина инқироздан қутилиши ва фаровон ҳаётга етишиши мумкин, деган пурҳикмат хулосалар чиқарилган[13].

Зардуштийликда таълим-тарбия масалаларига катта аҳамият берилиб, жумладан, таълимни ҳаётнинг энг муҳим устуни деб билиш кераклиги, ҳар бир инсон ўқиш ва ёзишни ўрганиб, юқори даражага кўтарилиши учун билим олиши кераклиги уқтирилади[12].**“Авесто”** талабига кўра, болалар ва ёшлар тарбияси, асосан диний-ахлоқий, жисмоний тарбия, ўқиш ва ёзишни ўргатишдан иборат бўлган[15].*«Ҳар бир ёш аввало, тарбияни ҳаётнинг энг муҳим устуни деб билиши, одоб-ахлоқни, ўқишни, кейин ёзишни ўрганиб, энг юқори даражага етиши учун тарбияланиши керак»*[16] , дейилади. Таълимда дастлаб ўқиш, ёзиш, санаш, камондан отиш,отда чопиш, диний қонунлар,қироат (махсус интонация билан ўқиш) ва кўшиқ айтиш ўргатилган.Санаш ва ёзиш бошланғич таълимнинг энг куйи даражаси, нотиклик ва «ширин сўз» энг юқори даражаси ҳисобланган. Ўғил болаларни ҳаётга тайёрлашда кураш, от эгарлаш, қорамол боқиш ва туя ва отларни парвариш қилиш, чорва молларини йиртқичлардан ҳимоя қилиш учун 50 дан ортиқ қурол-яроғлардан фойдаланиш,от миниш ва 32 дан ортиқ спорт турлари ўргатилган. Хунармандчилик ҳам болалигидан ўргатилиб, бу ўз навбатида ўсиб келаётган ёш авлоднинг камолатга етишида алоҳида аҳамият касб этган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, ўша даврларда таълимнинг синфий табиати шундан иборат эдики, агар ҳар бир киши диний, ахлоқий ва ҳарбий-жисмоний тарбия олган бўлса, ўқиш, ёзиш ва ҳисоблашни ўрганиш фақат имтиёзли синфларнинг ҳуқуқи бўлган.Зардуштийларда боланинг соғлом туғилиши, ҳар томонлама камол топиши учун ҳам барча шароит яратилган. **“Авесто”** да бола туғилгунга қадар ота-онанинг саломатлиги, хавфсиз туғилиши ва янги чақалоқни она сути билан боқишга алоҳида эътибор қаратилган. Чунки буларнинг барчаси боланинг нормал ривожланиши учун зарур омиллар ҳисобланган (Ясна,65-қисм,2-5 бандлар). Авестолоғим **С.Ганбаров** ўз тадқиқотларида **“Авесто”** вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқларини шу даражада ҳимоя қилинганки, ҳатто туғилмаган болаларнинг ҳуқуқлари қонун ҳужжатларига киритилганлигини таъкидлайди[14].

Исломда бола тарбияси Қуръони Карим ва Ҳадисарда ўзига хос тарзда, биноғиштининг қўйилишига талқин қилинган, ҳамда унинг изчиллиги, шахсий ахлоқий фазилатлар ва яхши одатларнинг тўпланиш кетма-кетлиги сифатида талқин қилинади. Ислом динининг диний-ахлоқий қарашлари шаклланишининг тарихий-педагогик таҳлили шуни кўрсатадики, у кишилар ҳаётида кўп асрлар давомида юксак даражада ривожланган

ахлоқий тизим сифатида фаолият кўрсатган[7]. Антик давр мутафаккири Аристотел ахлоқнинг жамият ҳаётидаги аҳамияти тўғрисида шундай деган эди: *“Табиат инсон кўлига қурол - ақлий ва ахлоқий куч берган, ammo у шу қуролни тескари томонга ҳам ишлатиши мумкин. Шу сабабли ахлоқий таянчлари бўлмаган одам, энг инсофсиз ва ёввойи, ўзининг жинсий ва дид майлларида энг тубан мавжудот бўлиб қолади”*[2]. Мутафаккир ахлоқсиз инсонни ҳайвондан фарқли томони йўқлигига шама қилади. Аристотел инсоннинг жисмоний ва рухий ҳолатидаги боғлиқликни асослашга ҳаракат қилади. Юнон мутафаккирларидан Сукрот, Демокрит ва Афлотунлар ҳам ахлоқ масаласига алоҳида тўхталганлар. Жумладан, Сукрот юнон олимлари ичида ахлоқнинг билим билан боғлиқлигини таъкидлаб, *“Мард бўлиш учун, мардлик ҳақидаги билимларни эгаллаш керак”, “Қаноатли бўлиш учун ҳиссиётларга йўл қўймаслик керак”, “Адолатли бўлиш учун, бировларга қандай яхшилик қилишни ўрганиш керак”,* -дея таълим беради. Афлотун яхшилик ғояси ҳақида фикр юритиб яхшилик ғоясида гўзаллик, меъёр, ҳақиқат каби тушунчалар уйғунлашган бўлишини баён қилади[17]. У таълим ва тарбия инсоннинг бутун ҳаёти давомида давом этадиган узлуксиз жараён эканлигини таъкидлаган ҳолда, инсон ҳаёти ритм ва уйғунликга муҳтожлигини эътироф қилади. Қадимги Европада жисмоний тарбиянинг ахлоқий сифатларни шакллантиришдаги ўрни ва ролини таҳлил қиладиган бўлсак, бунга алоҳида эътибор қаратган мамлакатлардан бири Қадимги Спарта эканлигини алоҳида эътироф қилишимиз лозим. Боланинг жисмоний соғломлиги унинг келажак тақдирини белгилаб берган. Носоғлом болалар яшаш имкониятига эга бўлмаган ёки махсус уйларда қул сифатида тарбияланган. Бу мамлакатда жисмоний ривожланиш масаласида аёлларга ҳам жиддий эътибор қаратилганлиги Плутарх маълумотлари асосида бизгача етиб келган. “Тарих отаси” Геродот ўзининг **“Тарих”** асарида қадимги скифлар ўз қизларини жисмоний жиҳатдан эпчил, ва жасур қилиб тарбиялашга ҳаракат қилганлигини ёзади. Антик давр файласуфлари инсон ахлоқий сифатларининг шаклланишини бевосита билим, тарбия, муҳит ва бошқа турли омилларга боғлаган ҳолда уни жамият тараққиётининг асоси сифатида эътироф қилишади.

Педагогик фикрлар тарихидан маълумки, Шарқ уйғониш даври алломалари асарларида шахскамолотида ахлоқий тарбиянинг ўрни ҳақидаги қарашлар алоҳида ўринэгаллайди. Шарқ ренессанси даври мутафаккирларидан **Абу Наср Фаробий “Фозил одамлар шахри”** асарида ахлоқий фазилатларни билимлилик, донолик, фаросатлилик билан боғлаган ҳолда, инсоннинг халқ манфаатларини ўз шахсий истакларидан устун қўйиши билан белгилайди. Фаробийнинг фикрича, ахлоқ инсоннинг ақлий тафаккури билан бевосита боғлиқ. Шундай экан ёшларнинг ақлий тарбиясига катта эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлайди[3]. Қомусий олим Абу Райҳон Беруний билим олишни ахлоқий тарбия билан боғлайди. Унинг инсон камолотида ахлоқий тарбиянинг муҳим эканлиги тўғрисидаги фикрлари **“Ўтмиш авлодлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон”, “Минералогия”, “Геодезия”** ва бошқа асарларида ўз ифодасини топган[4]. Алломанинг фикрича, ахлоқ одамзоднинг инсоний моҳиятини белгиловчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади. Абу Али Ибн Сино ахлоқни кишиларнинг ўзига ва бошқаларга нисбатан ҳатти-ҳаракати меъёрлари ва қоидаларини сифатида талқин қилади[5]. **Кайковус “Қобуснома”** асарида жувонмардлик ғоясини илгари сураб экан, бунда ёшлар тарбиясида энг муҳими ахлоқ тарбияси эканлигини кўрсатади. У ёшларда одамларга нисбатан



инсоний муносабатда бўлиш адолатлилик, самимийлик каби сифатларни шакллантириш лозимлигини таъкидлайди[8]. **Аҳмад Югнакий, Муслиҳиддин Саъдий, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий** каби кўплаб алломалар асарларида ахлоқий сифатлар ва уларнинг ўқиб келаётган ёш авлод хулқ-атворида намоён бўлишида, ота-оналар, яъни оиланинг, жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг ўрни, тарбиянинг жамият келажакдаги белгиловчи омил эканлиги тўғрисидаги фикрлар ўз аксини топган[6]. XIX аср охири - XX аср бошларида яшаб ўтган атоқли жадидчиларимиздан **Абдурауф Фитрат** фарзандни тўлақонли камол топтириб ўстириш учун унга жисмоний, ақлий ва маънавий тарбиядан иборат кўп таркибли тарбия бериш муҳумлигига алоҳида эътибор қаратади. Одамнинг феъл ва ҳаракатини бир яхши шакл ва мазмунга келтириш учун руҳини тарбиялаш, боларни ўзига ишонган, кучли, топқир, чаққон ва ақли, ўз кадр-қиммати, шаънини ҳурмат қилиш руҳида қилиб тарбиялаш лозимлигини алоҳида эътироф қилади. Тарбиянинг ҳар бир қисмини номлаган жадидчи меҳнатсеварлик ва билим олиш тарбиясига алоҳида эътибор берган ҳолда фарзандларининг келажакда қандай шахс бўлиб вояга етишлари, уларга ота-оналари нима бера олганликлари билан боғлиқ дейди. Адиб **“Бу дунё кураш майдонидир. Бу майдоннинг қуроли соғлом жисму тан, ўткир ақл ва яхши ахлоқдир,”**-деган фикрлари орқали фарзанд тарбиясини маъсулиятли бурч сифатида, яъни миллат тарбияси сифатида қараш лозимлигини уқтириб, ўз даврининг тарбия масаласидаги оғриқли муоммоларига тўхталиб ўтади [18;25]. У яхши ва хуш ахлоққа эга бўлган фарзанд тарбиялашда биринчи навбатда ота-оналарнинг тарбияланганлик ҳолатига бевосита боғлиқлигини асослайди. Оилада олинган тарбия инсон табиатига мустаҳкам ўрнашади. Шахс руҳияти, ахлоқи ва одатлари болалигиданок шаклланади. Инсоннинг камоли фақат ва соғлиқ ва кучдан иборат бўлмай, балки жисмонан, ақлан ва ахлоқан юксалишдан иборат. **Фитрат ўзининг “Оила ёки оилани бошқариш тартиблари” асарида тарбияни қуйидаги 3 қисмга ажратади:**

1. Бадан тарбияси
2. Ақлий тарбия
3. Ахлоқий тарбия.

Тарбиянинг ушбу турлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва яқинки, бирига зарар тегса бошқаларида ҳам нуқсон пайдо бўлади. Бири яхшиланса, иккинчиси ҳам бундан ижобий таъсир олади. Жумладан, тафаккури суст инсон ўзи қилаётган ишлари устида жиддий мулоҳаза қилмайди. Натижада ҳиссиётига эрк берган ҳолда жисми заифлашиб ахлоқи бузулади. Ахлоқсизлик инсоннинг ақлий ва жисмоний ривожланишига бевосита таъсир қилишини айтади. Баркамол авлод тарбиясида тарбиянинг барча шакллари билан бевосита бир-бирига боғлиқлиги эътиборга олиниши лозимлигини таъкидлайди. Фитрат мазкур фикрлари орқали тарбия турларини бирини иккинчисидан устун қўйиб бўлмаслиги, улар ўзаро чамбарчас боғлиқлигини асослайди.

#### ХУЛОСА

Тарбия масаласида пайдо бўлган илк қарашлар гарчи унинг шакли ва мазмуни ҳар хил бўлишига қарамасдан, инсониятнинг шаклланиши билан бир вақтда пайдо бўлган. Тарбия масаласи доимо энг долзарб масала бўлиб келган. Зеро, ҳар қандай тарбиянинг олий мақсади, шубҳасиз, жамият талабларига мос авлодни вояга етказиш ва жамият манфаатларига хизмат қиладиган инсонни камол топтиришдир. Аждодларимизнинг тарбия борасидаги қарашлари асрлар силсиласида ҳам ўз аҳамияти ва қимматини

йўқотмаган. Ҳозирги мафкуравий ва ғоявий таҳдидлар кундан -кунга кучаётган даврда, халқ педагогикасининг ўлмас меросидан унумли фойдаланиш ўз ижобий самарасини бериши шубҳасиз. Шундай экан аждодларимизнинг ахлоқий тарбия масаласидаги қарашларни ўрганиш, ижобий жиҳатларидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

### REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Ўзлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида” ги 1059-сон Қарори 1-иловаси //Қоун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.03.01.2020 й, 09/20/1059/4265-сон
2. Аристотел. Политика.-М.,191.-С.8-9.
3. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Масъул муҳаррир М.М.Хайруллаев. - Тошкент, “Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти”, 1993
4. Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. 1 жилд, Тошкент 1968.
5. Абу Али ибн Сино. Ҳикматлар. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1980
6. Алишер Навоий. Маҳбуб-ул-Кулуб. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1996.
7. Ибрагимов А.И.Абед Халил. Использование нравственного потенциала ислама в воспитании учащихся подросткового возраста.автореферат дисс.канд.наук.13.00.01.1996.-С.194.
8. Кайковус. Қобуснома. - Тошкент, 2010.
9. Д.Р. Каримова.Постулаты «Авесты» о правах детей//Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов.2012, 26.11.<http://jurnal.org/article/2012/uri46.html>
10. Матушкин С.Е. Социальное и природное в нравственности. Челябинск, 2005.
11. Маҳмудова Г.М.Активный идеал в этике зороастризма в контексте. национальной и общечеловеческой духовности. <https://studfile.net/previewc/5856403/>
12. Маковельский А.О.Авеста-Баку, 1967. –С.28.
13. Тоҳир Карим.Миллий тафаккур тараққиётидан.-Т.:Чўлпон, 2003,33-Б.
14. Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Очерки по истории древнего Узбекистана: государственность и право.-Т.: “Адолат”, 2000.-С.168-169.
15. Заратустра. Учение огня.Гаты и молитвы. –М.: Эксмо,2008-С.200.
16. Зорастрискитетексты.Переводы.О.М.Чунаковой.©Издательская фирма «Восточная литература» Ран, 1997.
17. Ў.К.Жалолова. Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг маънавий-ахлоқий камолоти ҳақидаги қарашлари// //Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий-электрон журналы.№6,апрел.2013.-Б.2-7.
18. А.Фитрат.Оила ёки оилани бошқариш тартиблари. Тошкент. “Маънавият” нашриёти, 2009.-Б.110.